



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Фуркат тумани мактабгача
таълим бўлими мудирининг
Д.Қодирова

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети

1.Фурқат тумани МТБ га тасарруфидаги ДМТТ ларга чиқинди контейнерларини сотиб олиш отказиб бериш.

1.2. Хизмат бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ҳолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой.

1.4.Ишларни бошлаш муддати 1 ойга ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Фурқат туман мактабгача таълим бўлими** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

2.2. “Буюртмачи” манзили: Фурқат тумани Кичик-янги

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашганлиги ҳамда ўз кучи билан шу мазмундаги иш ва хизматларни бажарганлиги тўғрисида маълумотлар .

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Тендер предметининг қиймати ва хавф-хатар тоифасига қараб соҳавий электрон рейтингда ижобий кўрсаткичга эга булганлиги;

Солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги.

“Инсофсиз ижрочилар” ягона реестрида кайд этилмаганлиги;

Асосий ва иккиламчи ҳисобварағидаги 2-сон қароёққа қарздорлигининг мавжуд эмаслиги;

Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида шубхали корхоналар рўйхатига киритилмаганлиги;

Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги;

банк кредитлари буйича муддати ўтган қарздорликларнинг мавжуд эмаслиги;

ўз балансидаги асосий фондларга, мулкларига тақиқ қўйилмаганлиги;

жорий Йил учун молиявий мажбуриятлари ҳажми талабгор томонидан сунги уч йиллик ҳисобот даврининг бир Йилида бажарилган энг Йирик ишлар ҳажми 2 барабардан ошмаганлиги.Бунда платформа томонидан талабгорнинг молиявий мажбуриятларн қолдиқ ҳажми тендер предметининг бошланғич нархи (ҚҚС билан) билан солиштирилади. Талабгорнинг молиявий мажбуриятлари қолдиқ ҳажми етарли бўлган тақдирда, бир нечта тендерларда иштирок этиши тақиқланмайди.

Қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекцияларида рўйхатга олинган талабгорнинг бош пудрат объектлари бўйича қурилишни якунлаш муддатидан утиб кетмаётганлиги;

таклиф этилган нархнинг (ҚҚС билан) бошланғич нархдан (ҚҚС билан) баланд эмаслиги ҳамда 90 фоиздан паст эмаслиги;

таклиф этилган курилиш муддати тендер предмети буйича белгиланган хизмат муддатидан кўп эмаслиги;
тендер таклифини таъминлаш кафолат суммаси оператор хисобварағига ўтказилганлиги;

Тендер иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятга эга алоқалари бўлган ва тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган оферентлартендерга қўйилмайди.

Балансида етарли техника ва малакали техник ходимлар мавжуд булиши. Олий малумотли ходимлар етарлилиги. Давлат ташкилотларига топширилган ҳолати тасдиқланган ҳолатда. Машина механизмларни ўз балансида мавжудлиги;

Кафолат хати. Далолатномага асосан иш ҳажмини ишлаб чиқиш;

Молиявий ҳолати барқарор. Олдиндан 30% тўлангач ишларни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун ҳисобида етарли маблағи бўлиши керак.

Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошуралар, маълумотномалар техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.